



# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 26 май, жума №75 (907)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ

25 май куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси бошланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислол Каримов иштирок этмоқда. Мажлис залда Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, элчилар ва хорижий давлатлар дипломатик корпуси вакиллари, чет эл ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - котибиятни ташкил этди ва кун тартибини тасдиқлади. Сўнгра Олий Мажлис Раиси Э.Халилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислол Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятидаги устувор жиҳатлари тўғрисида маъруза қилди.

Маърузачи Президент Ислол Каримов томонидан олға сурилган мамлакатимизни янги аср бўсағасида ва бошларда ривожлантиришни стратегик дастури мустаҳкам ҳуқуқий асосни тақозо этишини таъкидлаб ўтди. Миллий қонунчилик яқин йилларда жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини янада эркинлаштириш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит ҳамда кафолатлар яратишга йўналтирилган ҳолда тараққий этди. Шу муносабат билан Олий Мажлис фаолиятининг истиқбол дастурида нафақат янги қонунлар қабул қилиш, балки реал вазиятни ва амалиётни ҳисобга олган ҳолда мавжуд қонунларни такомиллаштириш кўзда тутилган. Айни пайтда, парламент, аввалгидек, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ижросига, жойларда уларнинг қўлла-нишини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишга катта эътибор беради.

Парламент депутатлари ҳузурда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислол Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари

парламентнинг сессияда кўрилатган 2000-2002 йилларга мўлжалланган фаолиятининг устувор йўналишларини ўзида ифода қилувчи мазкур ҳужжатнинг муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шу муносабат билан Президент белгиланган тадбирларни амалга оширишда, умуман, қонунчилик жараёнида депутатлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг фаол иштироки муҳим ўрин тутганини қайд этди. Халқ депутатлари ўз мақсад ва вазифаларини аниқ тасаввур этиши, қабул қилинаётган қонунларда ҳар доим сайловчилар фикрини ҳисобга олиши ва ҳимоя қилиши лозим. Сиёсий партиялар фаолият дастурларини янада аниқ режалаштириб олиши ҳамда уни қонунчилик йўли билан илҳом қилишга эришишга керак. Улар олдида турган мақсад ягона, бироқ бу мақсадга эришиш йўллари турлича бўлиши мумкин.

Президент, шунингдек, қонунчилик фаолияти механизмининг энг яхши хорижий парламентаризм тажрибасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш муҳим-



лигини қайд этди. Бунинг учун, энг аввало, ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва кўриб чиқишининг янада таркомлашган тартибини ишлаб чиқиш зарур. Энг муҳим қонун лойиҳалари бир неча бор қайта кўриб чиқилганидан сўнг қабул қилиниши лозим. Ислол Каримов парламент ишини таркомлаштириш зарурати тўғрисида гапирар экан, келажакда икки палатали қонун чиқарувчи орган тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу масала бўйича парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раиси А.Аҳадов кўшимча маъруза қилди.

Сессияда мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан Ширин шаҳри ҳокими И.Эрбеков, Фарғонадаги «Нефткиммонтаж»

публикаси Президентини Ислол Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устувор жиҳатлари тўғрисидаги ҳужжатни тасдиқлади.

Молия вазирини Р.Азимов депутатларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги 2000 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот берди. Бу масала бўйича парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раиси А.Аҳадов кўшимча маъруза қилди.

Сессияда мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан Ширин шаҳри ҳокими И.Эрбеков, Фарғонадаги «Нефткиммонтаж»

трести бошлиғи Р.Жалилов, «Билдинг-технолоджи» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бош директори С.Ким, Тошкент Давлат аграр университетининг «Эконометрия ва информатика» кафедраси мудири А.Абдураҳимов сўзга чиқди. Парламент Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги 2000 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маълумлади.

Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорлик масалалари кўмитаси раиси М.Умаралиев депутатлар эътиборига «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ҳавола қилди. Ушбу масала юзасидан «Ўзтадбиркорбанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси С.Қамбаров сўзга чиқди.

Шундан сўнг парламент Олий Мажлисининг Фидоқорлар Миллий демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси давом этмоқда.

Олий Мажлисининг кечки йиғилишида депутатлар «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамасини давом эттирди. Бу масала юзасидан Шаҳрихон шаҳридаги «Ривож» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси бош директори К.Отахонов, «Виртекс» Ўзбекистон-Россия-Америка қўшма корхонаси бошқаруви раиси Б.Обидов, Бойсун тумани ҳокими Т.Ҳамроев сўзга чиқди. Қонун депутатлар томонидан қабул қилинди.

Шундан сўнг Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорлик масалалари кўмитаси раиси А.Аҳадов сўзга чиқди. Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида Андижон шаҳри ҳокими А.Содиқов, Чортоқ тумани ҳокими Б.Ҳайдаров, Қашқадарёдаги «Дон-халқ ризки» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Темиров, «Бухоротурист» акциядорлик жамияти раиси М.Зокиров қатнашди. Парламент Қонунни қабул қилди.

«Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Атроф муҳит ва табиати муҳофазаси қилиш масалалари кўмитаси раиси Қ.Жумабеков сессия муҳокамасига тақдим этди. Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитаси раисининг ўринбосари И.Жўраев, «Сам-Кочовто» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси директори С.Уроқов, Эликкальва тумани ҳокими Н.Худайбергенов, Хатирчи тумани ҳокими Э.Турдимов, «Фаргоназот» ишлаб чиқариш библиомаси бош директори А.Абдуллаев чикшиларидан сўнг бу Қонун ҳам қабул қилинди.

Шундан сўнг парламент Олий Мажлисининг Фидоқорлар Миллий демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси давом этмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОЛ КАРИМОВНИНГ «БЕРН ИТТИФОҚИ»ГА АЪЗО МАРКАЗИЙ ВА ШАРҚИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ЭКСПОРТ-КРЕДИТ АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙўЛЛАГАН ТАБРИГИ

Мухтарам хонимлар ва жаноблар! Кўп асрлик тарихий, маданий, савдо-иқтисодий аъналарга эга, қадимий ва меҳмондўст Ўзбекистон дийрида ўтказилган «Берн Иттифоқи»га аъзо Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари экспорт-кредит агентликларининг навбатдаги йиғилиши иштирокчиларини муборакбод этишдан мамнунман.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, бозор муносабатлари асосларини шакллантириш изчил давом эттирилмоқда. Жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашуви, халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиб берилмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти тараққиёти кенг истиқболларни очиш билан бирга, айрим мамлакатлардаги молиявий инқироз ва беқарорлик билан боғлиқ муайян таваккалчиликларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бундай шароитда «Берн Иттифоқи»га бирлашган экспорт-кредит агентликларининг қадри янада ошадди.

Сизнинг кредитлар ва инвестицияларни сугурталаш борасидаги фаолиятингиз инвестиция жараёнларини жонлантириш ва фаоллаштириш имконини беради, иқтисодиёт барқарорлиги учун асос бўлиб хизмат қилувчи мустаҳкам ва ишончли молиявий тизим ривожини таъминлайди.

Хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бозор ислохотларини муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бу борада «Берн Иттифоқи» кредит ва инвестициялардан фойдаланиш ҳуқуқига эга шахслар доирасини кенгайтириш, миллий ишлаб чиқаришни энг илғор технология асосида ривожлантириш ва мазкур мамлакатларнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнини тезлаштириш учун қулай шарт-шароит яратиш орқали жуда катта ёрдам кўрсатиши мумкин.

Ишончим комилки, сиз Тошкентда ўтказилган йиғилиш давлатларaro савдо-иқтисодий муносабатларни қўллаб-қувватлаш тамойилларини уйғунлаштиришга янги раҳл бағишлайди. Молиявий ҳамда инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Йиғилишнинг барча қатнашчиларига ишларида муваффақият ва самара тилайман.

## «Универсиада-2000» кундалиги

### ДАСТАЛБКИ ГОЛИБЛАР

«Универсиада-2000» мусобақаларининг дастлабки голиблари аниқланди. Наманганнинг спорт мажмуида кураш бўйича беллашувлар ўз ниҳоясига етди. Мусобақалар бу спорт тури ёшлар орасида машурлигини яна бир бор исботлади. 16 та терма жамоанинг барчасида курашчилар бор.

Мусобақаларнинг биринчи олтин медалларини Тошкент-1 жамоасидан Исқандар Расулов /60 килограммлик вазнда/, Наманганлик Аюб Камоллов /66 кг/, самарқандлик Акмал Усанов /73 кг/, сурхондарёлик Олим Худойкулов /81 кг/, қорақалпоғистонлик Мурод Болтаниёзов /90 кг/ қўлга киритди. 100 килограмм ва ундан юқори вазнда ифаларидаги курашчилар

ўртасида бўлиб ўтган беллашувларда «Тошкент-1» жамоаси вакиллари Акбар Йўлдошев ва Жаҳонгир Қодиров голиб чиқди. Иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган полвонларга Универсиада-2000нинг кумуш ва бронза медаллари топширилди.

Жамоалар ҳисобидаги мусобақаларга ҳам яқун ясалди. «Тошкент-1» жамоаси полвонлари энг кўп медал ва очко тўплаб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Бухоро вилояти жамоасига, учинчи ўрин эса Наманган вилояти жамоасига насиб этди.

Универсиада ўйинлари якуний босқичга кирди.

**А. ИВАНОВА, Н. ХУҲАЕВА, Ў.А. МУХИБЛАРИ.**

## Ибрат

### ПИЛЛАКОР ҲАҚИ НАҚД

— Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам моддий манфаатдорлик йўлга қўйилмас экан кўзланган мақсадга эришиш қийин, - деди биз билан сўбатда Зафаробод туман агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма кўмитасининг раиси Матлуба Ҳакимова.

Кейин билдикки, бу йил пиллачиллик ҳокимнинг тавсияси билан уларнинг оталигига берилибди. Хўш, шундай экан, сўз исботи билан кўркам, деганларидек, пиллачи аёлларнинг моддий манфаатдорлиги йўлида қандай ишлар қилинди, деган савол тўғрисида. Муболага эмас, анчайин тадбирлар амалга оширилибди.

Жумладан, март ойда пиллачилар қурултойи ўтказилди. Кейин ҳар бир ҳўжалик бўйича пиллачиларни йиғиб жамоа шартномаси устида кенгашиб олинди. Саккиз юзга яқин хонадонга ипак курти тарқатилган олдин ҳар бир пиллакорга беш минг сўмдан кафолат пули берилди. 130 нафардан зиёд илгор пиллакорларга қарийб ярим миллион сўмлик қимматбаҳо совғалар топширилди. Майли, булар ўз йўлига, бу ишни бошқалар ҳам қила олади дейишнинг мумкин. Лекин қуйидаги тадбирни эшитиб, ўзингиз ҳам ҳолис баҳонини берасиз. Яъни, касабаси уюшма кўмитаси тавсияси билан туман ҳокими ажайиб бир қарорга имзо чеқди. Шунга асосан пилла мавсуми давомидида кўрт боқилган саккиз юзга яқин хонадон фойдаланилган электр қувватига тўловдан озод қилинди. Уларнинг қирқ нафар фарзандларига болалар оромгоҳларига бепул йўлланмалар ажратилди. Мавсум якунланиб, давлатга ўттиз тонна дурдона топширилган, ҳар битта пиллачининг уйи тўлиқ текинга таъмирлаб берилди. Яна уларнинг катта гуруҳини вилоятнинг тоғли сийҳатгоҳларига, тарихий шаҳарлар бўйлаб зиёратгоҳларга жўнатиш мўлжаллангани айни муддаодир.

Бўзатов туманида тиббий тез ёрдам маркази очилди. Туман бирлашган касалхонаси қошида фойдаланишга топширилган бу шифо

### БўЗАТОВ ТИББИЙ МАРКАЗИ

маскани замонавий даволаш, таъхис қўйиш асбоб-ускуналари, зарур аутовул билан таъминланди. Малакали шифокорлар беморларга хизмат қила бошлади.

Шундай қилиб, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурига мувофиқ, Қорақалпоғистоннинг барча туман ва шаҳарларида тез тиббий ёрдам марказлари фаолият кўрсата бошлади.

## Мавсумга шай оромгоҳ

«Соғлом авлод йили» дастурига кўра Қорақалпоғистон республикасида бу йил ўқувчиларнинг ёзги таътилин кўнгилдагидек ўтказишлари учун ҳар қачонгидан ҳам пухта ҳозирлик кўриляпти. Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг қарорига биноан амалдаги йилда жами 32 та оромгоҳлар фаолият кўрсатиб, уларда 10900 нафар ўғил-қиз кўнгилли ҳордиқ чиқаради. Шунингдек, мамлакатимизнинг табиати энг сўлим гўшаларидаги оромгоҳларда 2500 минг болалар дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлайди.

## «ОРОЛ БОЛАЛАРИ» ЧОРЛАЙДИ

«Нукус-Бўстон» автомобиль йўлининг 130 километрдан ўтган, кўмқ дарахтларга бурканган икки қаватли бинолар кўзга ташланади. «Мамлакатимиздаги йирки оромгоҳ-«Орол болалари» ўқув-соғломлаштириш маркази худди шу ерда жойлашган», дея изоҳ берди ҳамроҳимиз — Эллиқалъа туман ҳокими ўринбосари Фарҳод Ибодуллоев.

Мовий Оқчакўл соҳилидаги маскан дарвозасидан киришимиздан саранжом-сарийшталикни

кўриб дилимизда ажиб илиқлик пайдо бўлди. Шохмат доналаридек қатор тизилган бинолар қандай таъмирлангани билганиб турибди. Йўлақор, хиёбонлар, беш-олти кишилик шийпонлар чиннидек тоза. Ҳикматли сўзлар, ватанпарварлик, эл-юртга муносиб фарзандлар бўлиб етишишга чорловчи шиорлар битилган паннолар киши қалбида илиқ ҳислар пайдо қилади.

Ўқув-соғломлаштириш маркази бошлиғи Қурбонназар Қаландаров

билан спорт майдончасида учрашдик. — Масканимиз илгариги «Камалак» оромгоҳи базасида иш олиб бормоқда, — дейди у. — Марказнинг асосий бинолари энди қурилмоқда. Бунёдкорлик ишларини амалга оширишда Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси Кенгаши катта ёрдам

бермоқда. Ҳозир «Орол» сувқурилиш бирлашмасига қарашли иккинчи қурилиш бошқармаси бўлинмалари кучи билан 360 ўринли марказнинг ўқув ва даволаш бинолари, ётоқхонаси битай деб қолди.

— Қурбонназар, бу ерда болаларнинг ёзги дам олиши қандай ўтади, мавсумга қай тарзда тайёрлариклар билан келдингиз, шулар хусусида тўхталсангиз? — Ўтган йили 1332 нафар ўғил-қиз ёзги таътилни бизда ўтказди. Мақтаниш эмас-у, лекин

миз. Бу айтишга осон, албатта. Шунинг учун ҳам мавсумга пухта ҳозирлик кўрганмиз. Учта ётоқхона, 400 ўринли ошхона, ҳаммом, клуб, тиббий ёрдам маркази, маъмурий бино, омборхона, спорт майдончалари сифатли қилиб таъмирланди. Минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказдик. Шундай қилиб, Хоразм воҳасида биринчи бўлиб 1 июн Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кундаги ўқувчиларни қабул қилиб оламиз. Бунинг учун барча

шароитлар муҳайё.

— Болалар асосан қаерлардан келишади?

— Уларнинг кўпчилиги экологик ноҳус вазият юз берган шаҳар ва туманлардан келадиган ўғил-қизлардир. Оромгоҳ шундайгина қадимий ёдгорликлар, Хоразм шоҳларининг дастлабки қароргоҳи бўлган Тупроққалъа, қадимий Қаватқалъа яқинида жойлашган. Гулдирсин, Аёзқалъа ёдгорликлари ҳам унча олис эмас. Мусаффо Оқчакўл ястаниб ётибди.

Табиати гоят гўзал ва баҳаво. Шунинг учун ҳам Мўйноқ, Қонлиқўл, Қўнғирот, Чимбой, Қораўзак, Нукус ва Кегейли сингари туманларнинг болалари бу ерга келиб дам олишга муштоқ.

— Кадрлар масаласи қандай ҳал қилинган?

— Бизда ҳаммаси бўлиб 64 нафар тарбиячи ва бошқа соҳа ходимлари болаларнинг ёзги таътилин саз ўтказишлари учун кечаси-ю кундуз иш олиб боради.

Сўхбатдош: **Абду РАҲМОН, «Ишонч» муҳбири.**

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин

Бундан атиги бир йил аввал «Бектошбобо» деҳқон фермер хўжалигини ташкил этган Абдулазиз Бектошев ўз тасарруфида хўл меваларни қайта ишлайдиган корхона қуришга аҳд қилганини эшитиб, туман ҳоқими Шоди Беккелдиев уни маъқуллади.

ФЕРМЕР КОНСЕРВА ЗАВОДИ ҚУРМОҚДА

Биз яқинда Ангорда бўлганимизда, фермер хўжалиги бошлигини корхона қурилаётган майдонда учратдик. — Абдулазиз ака, фермер хўжалигини ҳақида икки оғиз айтиб ўтсангиз? — «Бектошбобо» деҳқон фермер хўжалигини 1999 йили ташкил этдик. 30 гектар ер майдонимиз мавжуд. Ўтган йили 14 гектар майдонга галла, 16 гектарга чигит экдик. Ишларимиз ёмон бўлмади. 14 нафар ишчиларимизнинг меҳнати ўз самарасини кўрсатди. Давлатга 24 тонна галла, 56 тонна пахта топшир-

дик. Туман машина-трактор парк, қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш идоралари билан тузилган шартномалар асосида ишладик. Ишчиларимизни йил давомида иш ҳақи билан узлуксиз таъминладик. Уларнинг дам олишлари учун барча шароитлар яратилган махсус жой ташкил этдик. Моддий манфаатдорликдан мамнун бўлган ишчиларимиз бир куни менга: туманда хўл мевалар, помидор, бодринг ва боғлар кўп. Лекин уларни қайта ишлайдиган бирон-бир корхона йўқ. Ана шундай ишлаб чиқа-

риш корхонасини қур-сак, дейишганда бажонидил рози бўлдим. Сўнг хўжалик ҳисобидаги қаровсиз бекор ётган бинони олишга аҳд қилдим. Шу пайтда «Ахборот» кўрсати-вида Шахрисабз шаҳридаги Россия билан

ҳамкорликда ишлаётган «Соҳибкор» қўшма корхонасининг фаолиятидан лавҳа кўрсатилди. Ўша кеча ухлай олмадим. Тонг сахарлаб Шахрисабзга йўл олдим. Бу корхонага кириб борганимда помидор, бодрингни қайта ишланаётган экан. У ердаги раҳбарларга режамни айтганимиз, маъқул топишди. Мана ҳозир «Соҳибкор» корхонасидан Иброҳим Рўйиллаев, Зокир Меликов, Фурқат Янгибоевлар келиб қурилиш ишларини бошлашди. Уларга биз Россиядан келтирилган йиғма консерва заводининг тўлиқ

жиҳозларини топширдик. Биз бу ерда бир ой давомида биринчи бо-скичдаги қурилиш ишларини ниҳоясига етказамиз. Абдулазиз ака қурилиш ишларини кузатиб турибдилар. Консерва заводи июн ойидан бошлаб кунига 15—20 тонна маҳсулотни қайта ишлайди. Кейинчалик, бу ерда 7 хил, яъни бодринг, олма, ўрик, мусаллас каби маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилади. Умуман олганда, келажакда 120 нафар Ангорликлар иш билан таъминланади, — дейди қурувчи Ш. Рўйиллаев. — Консерва заводи маҳсулотларини Россияга экспорт қиламиз. Эвазига у ердан туманимизда калиш ишлаб чиқарадиган корхона фаолиятини йўлга қўйиш учун каучук, резиналар оламиз. Хуллас, насиб этса туманимизда бизнинг шарофатимиз билан икки корхона ишлайди, — дейди Абдулазиз Бектошев.

Рустам ДАВЛАТ.

МАВСУМИЙ ЧАЙЛАЛАР

Пахтакор туманидаги Нодирабегим номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ёз мавсумида далада ишлайётганларга яхши дам олиш шароити яратиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиққан эди. Шунга кўра, эрта баҳордан оқибатда дастур дала шийпонлари тўлиқ таъмирланди. Ҳар бирига бир-икки тадан оила кўчиб чиқди. Шийпон олдидagi боғларга шакл берилди. Беш-олти сўтихдан ер ажратилиб қарийб йигирма турдаги сабзавот-полиэ экинлари,

картошка, резавор экилди. Ҳозир деҳқоннинг иккинчи уйи бўлиб қолган бу оромгоҳларда ишдан кейин дам олиш учун асосий шароитлар муҳайё. Иссиқ овқат тайёр, кичик чорва ёрдамчи хўжалиги сут-қатиқ билан таъминлаб турибди. Шийпонлар радио-телевизор ва бошқа жиҳозларга эга. Яқинда 100 минг сўмлик палос-гиламлар тарқатилди. — Бу шийпонларда йил бўйи одамлар яшайди, — дейди уюшма раиси Х.Рустамова, — Биз бундан қаноатланмай яна бошқа қулайлик устида бош

қотирдик. Темир-бетон деворли шийпонлар ичида ёзда нафас олиш қийин. Шуни ўйлаб боғ ичида, куюқ теракзор соясида, оқар сув бўйида мавсумий чайлалар ҳам қурдик. Бунга ҳеч қанча ҳаражат сарфлаганимиз йўқ. Хомашё даланинг ўзида, хашар билан битирдик. Тахминан олтига-олти метр тўрт бурчак шаклида ярим метр балангликда тошдан пойдевор кўтариб юзасини сомонли лой билан шувадик. Устунлар ва томини ёпишга терак шохларидан фойдаландик, қамишдан чий тўкиб

атрофини беркитдик. Гапнинг очиги, вилоятнинг ҳамма хўжаликларида ҳам бундай шароит йўқ. Одамлар икки-уч соатлаб ишлаб, қуёш қиздиргач, уйларига қайтишяпти. Айниқса чўл шароитида хўжалик раҳбарлари тadbirkor бўлиши керак. Меҳнаткашга яхши шароит яратилсагина ишда унум, муваффақият бўлади. «Нодирабегим»да йил сайин режалар ортиги билан бажарилиб, аҳоли турмуш шароити фаровонлашиб бораётгани ана шундан.

Н.ҲАЙИТОВ.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БУГУННИНГ МУАММОСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Гидрометеорология Бош бошқармасида иқлим ўзгариши муаммоларига бағишланган семинар ўтказилди.

ЮСАИДнинг қўллаб-қувватлаши билан ўтказилган ушбу анжуман яшаш муҳитимизнинг бош негизи Ер сайёрасида иқлим ўзгариши жараёнларини тадқиқ қилиш ва истиқболда бўлажак ўзгаришларни аниқлаш ва ишлаб чиқишга бағишланади, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига Ўзбекистон Миллий университети гидрология кафедрасининг мудир Фазлидин Ҳикматов. — Иқлим ўзгариши ердаги табиий муҳитнинг ўзгаришига олиб келади. Табиий муҳит эса жуда кўп таркибий қисмлардан иборат. Айниқса, инсон ҳаёти учун зарур бўлган энг муҳим унсур тупроқдир. Кафедрасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг асосий йўналиши ҳам тупроқнинг ювилиши, яъни сув эрозиясига бағишланган. Бугунги анжуманда иштирок этаётган барча олимлар иқлим ўзгариши ва иқлимнинг асосий омиллари ҳисобланган атмосфера ёнғинлари ҳароратнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда Республикаимиз дарёлари ва ҳавзаларида кечадиган сув эрозияси жараёнларини таҳлил қилдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Фанлар академияси, Миллий университет ва бошқа илмий даргоҳларнинг етакчи олимлари иштирок этдилар. Семинарда иқлим ўзгаришининг худудимиздаги дарёлар, сув ресурслари аҳоли яшаш шароити, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга бўладиган таъсири масалалари ҳам муҳокама этилди.

Биз бозор иқтисоди жа-раёнида яшамокдамыз. Муайян қийинчиликлар бўлиши табиий. Зеро, касаба уюшмалари имкон қадар одамлар оғирини енгиб қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун саъй-ҳаракатлар қилиб келмоқда. Хусусан, шу йилнинг дастлабки чора-даржа вилоят, туман, бошлангич касаба уюшма қўмиталари ташаббуси билан кам даромадли, но-чор оилалардан 23859 та-сига моддий ёрдам кўрсатилди. Ёлғиз, қаровчисини йўқотган кишилар, етим-есирлар ҳолидан ха-бар олинди ва меҳрибон-лик уйларига 32 минг сўмлик, саломатлик мар-казларига 1 миллион 600 минг сўмлик ёрдам берил-ди, шу жумладан битта «Дамас» автомашинаси со-вага қилинди. Ҳаёт ҳеч қачон бир жой-да турмайди. Зотан, каса-ба уюшмалари учун ҳами-ша иш топилади. Юмуш-ларнинг энг улуғи ва энг савоблиси эса — одам-ларга яхшилик қилишдир.

Кодир РАҲИМОВ, Агросаноат мажмуи ходимлари Хоразм вилоят касаба уюшма қўмитаси раиси.



«Бухороёғ» ҳиссадорлик жамияти қошида «Бух-тел» майонез ишлаб чиқариш Ўзбекистон-Исроил қўшма корхона-си иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин қисқа вақт ичида бу янги корхона ўзининг турли афзалликлари билан эъти-борга тушди.

Маълумки, майонез тез бузиладиган маҳсулот бўлганлиги сабабли уни олис худудлардан олиб келиш мушкул. Маз-кур қўшма корхонада замонавий Исроил

технологияси асосида тайёрланаётган майонез маҳсулотини эса нафақат бухороликлар балки, қўшни вилоятлар аҳоли-си ҳам харид қилишмоқда. Нархи арзон, таъми ҳам харидор талабига мос.

Суратда: цех бошлиги Бахриддин Собиров, ишчилар Муҳайё Бахридди-нова ва Умида Аҳмедовалар.

Собир ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

КАСАБАЧИЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Қарши Давлат университети қошидаги Малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказида ша-ҳар, туман ва ўқув юртлири каса-ба уюшма қўмиталари ходим-ларининг ўқув семинари ўтқа-зилди. — Анжуман иштирокчилари мамлакатимиз ижтимоий-сиё-сий ва иқтисодий ҳаётини эр-кинлаштириш, «Инсон ҳуқуқла-ри ва аҳолининг ҳуқуқий мада-ниятини юксалтириш», «Жами-ятда маънавиятнинг тутган ўрни» мавзуларида фикр ал-

машдилар, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма-си Қашқадарё вилоят қўмитаси раиси С.Зоиров. — Улар диний ақидапарастлик ва унга қарши кураш ҳар бир ватанпарвар ки-шининг бурчи ва вазифаси эканлиги хусусида ҳам атроф-лича тўхтадилар. Касаба уюш-маларининг жамият тараққиёти ва ижтимоий ҳимояни амалга ошириш борасидаги фаолияти-га доир қизиқарли таклифлар тингланди.

— Касаба уюшма ташкил-ларида иш юритиш ва ташки-лий ишлар тўғрисидаги маъру-залардан касаба уюшма ходим-лари иш юритишнинг зарур йўналишлари ва замонавий таж-рибалардан хабардор бўдилар, — деди пировардида С.Зоиров. Шунингдек, семинар ишти-рокчилари университет тарихи музейи, кутубхона ва компью-тер маркази фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

«Туркистон-пресс»

Пиллакорлик — мам-лакатиимиз қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири. Ўрта Чирчиқлик Мавлу-да Турдиқулова оила аъзолари билан бирга-ликда 12 йилдан бери пилла кўрти боқиб, юқори ҳосилдорликка эришиб келаётир. Улар икки кўрт уруғидан 160 килограмм пилла олишни мўлжаллаб ту-ришибди.

Суратда: илгор пиллакор М.Турдиқу-лова.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Касаба уюшма ҳаёти

Агросаноат мажмуи ходимлари вилоят касаба уюшма қўмитаси ўз таркибига 187 минг дан зиёд меҳнаткашларни бирлаштирган.

МЕҲНАТКАШ ҚАЛБИГА ҚУЛОҚ ТУТАЙЛИК

Шу боис Қўмитанинг раёсат, пленум ва ҳисоб-бот-сайлов йиғинишларида асосан меҳнаткашлар-ни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш, меҳнат қўнунчилигининг бажарилишини назорат этиш, иш ва дам олиш шароитлари яратилиши, меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини соғлом-лаштириш каби долзарб масалалар мунтазам му-ҳокама қилиб берилмоқда. Маълумки, касаба уюш-ма аъзоларининг савияси-ни уларнинг ҳуқуқий би-лимлари белгилайди. Шу мақсадда жорий йилнинг биринчи чораги давомида барча туманларда касаба уюшма қўмиталари ташаб-буси билан малакали хуқуқшунослар, маъмурий органлар ходимлари иш-тирокида 10 та ўқув-семи-нар ўтказилди. Жойларда меҳнат қўнунчилигининг бузилиш ҳолатларини ту-гатиш борасида хўжалик, ташкилотлар раҳбарияти-га 55 та ёзма кўрсатма ва

амалий ёрдам берилди. Меҳнат қўнунларини кўпол равишда бузган 5 та ман-сабдор шахсга эса жари-ма солинди. Касаба уюшмаси — меҳнаткаш ҳомийси. Би-нобарин, меҳнаткашлар-дан тушган ариза ва ши-коятларни зудлик билан кўриб чиқиш ва амалий чоралар билан қўмақла-шиш бош вазифамиздир. Шундан келиб чиққан ҳолда 1999 йилда вилоят қўмитасига фуқаролардан тушган 34 та, ушбу йил-нинг биринчи чораги мо-байнида келган 7 та тур-ли масалаларга оид ари-залар ўрганиб чиқилиб, уларнинг аксарияти ижо-бий ҳал қилинди. Маса-лалар, Урганч шаҳридан Б.А-метов, Л.Отажонова, У.Йўлдошевлар меҳнат қўнунларига хилоф ра-вишда бўшатишганликлари ҳақида вилоят қўмитасига мурожаат қилган эдилар. Бу масала қўмитанинг ҳуқуқ бўлими томонидан ўз вақтида текширилиб,

аризачилар ўз ишларига тикландилар. Шунингдек, Хоразм қурилиш бошқар-олиб ишлайдиган касаба уюшма қўмитаси раиси лавозими таъсис этилди. Фермер ва деҳқон хўжа-ликлари касаба уюшмаси вилоят вакилиги билан ҳамкорликда ўтган йили «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши деҳқон» теле-қўмиталарини ўтказди. Танлов ғолиблари турли қимматбахо совғалар, ви-лоят ва республика сиҳат-гоҳларига йўлланмалар билан тақдирландилар. Дарвоқе, вилоят касаба уюшма қўмитаси меҳнат-кашларни соғломлашти-риш ишига алоҳида эъти-бор билан қараб келмоқ-да. Масалан, ўтган йили 4338 нафар меҳнаткаш ўз соғлигини санаторий ва санаторий-профилакто-рийларда тиклаб олди. Шундан 436 нафари рес-публика санаторийлари, 3902 нафари эса вилоят соғломлаштириш маскан-лари хизматларидан фой-даланди. Бунинг учун 46086 минг сўм сарфлан-ди. Ёзги мавсумда эса меҳнаткашларнинг 18655 нафар фарзанди оромгоҳ-ларга юборилди.

Биз бозор иқтисоди жа-раёнида яшамокдамыз. Муайян қийинчиликлар бўлиши табиий. Зеро, касаба уюшмалари имкон қадар одамлар оғирини енгиб қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун саъй-ҳаракатлар қилиб келмоқда. Хусусан, шу йилнинг дастлабки чора-даржа вилоят, туман, бошлангич касаба уюшма қўмиталари ташаббуси билан кам даромадли, но-чор оилалардан 23859 та-сига моддий ёрдам кўрсатилди. Ёлғиз, қаровчисини йўқотган кишилар, етим-есирлар ҳолидан ха-бар олинди ва меҳрибон-лик уйларига 32 минг сўмлик, саломатлик мар-казларига 1 миллион 600 минг сўмлик ёрдам берил-ди, шу жумладан битта «Дамас» автомашинаси со-вага қилинди. Ҳаёт ҳеч қачон бир жой-да турмайди. Зотан, каса-ба уюшмалари учун ҳами-ша иш топилади. Юмуш-ларнинг энг улуғи ва энг савоблиси эса — одам-ларга яхшилик қилишдир.

Кодир РАҲИМОВ, Агросаноат мажмуи ходимлари Хоразм вилоят касаба уюшма қўмитаси раиси.

Ижтимоий ҳимоя ШИФОКОРГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят қўмитаси ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш масалаларини аниқ Да-стур асосида амалга оширишга ҳаракат қилмоқ-да. Ишчи-хизматчиларнинг яшаш шароитини яна-да яхшилаш, ташаббускорликни рағбатлантириш, меҳнатга яраша ҳақ тўлинишини таъминлашга қўмақлашиш, ижтимоий муҳофазага муҳтож иш-ловчилар доимо диққат марказида. Кам таъмин-ланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш касаба уюш-маси фаолиятининг асосий мезонига айланган.

Давлатимиз раҳбари-нинг 1998 йил 10 нояб-рдаги «Ўзбекистон Рес-публикаси Соғлиқни сақ-лаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат Дастури тўғрисида»ги Фармони асосида табиий тизи-мидаги нодавлат секто-рини ривожлантиришга аҳамият кўчайтирилди. Ҳозирги кунда 98 та но-давлат ташкилотлари мавжуд бўлиб, 38 таси Соғлиқни сақлаш ходим-лари касаба уюшмаси қўмитаси ҳисобидадир. Уларнинг барчасида хо-димларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясига катта эътибор берилаяпти. Шунга айтиш жоизки, агар касаба уюшма раҳ-барлари тadbirkor, ташаб-бускор бўлса ўз ортидан бошқаларни эргаштири-олади. Бу — жамоатчи-лик ишларида жуда асқ-отадиган хусусиятидир. Бухоро тумани марказий шифохонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Х.Мухаммедова ана шундайлардан. Унинг саъй-ҳаракати туфайли 180 нафар ходим электр энергия тўловларидан имтиёзлар олишга эришдилар. Бу мақсад-лар учун қўшимча 250.000 сўм ва ходим-ларга бепул сут маҳсу-лотлари бериш учун 150.000 сўм маблағ сар-фланди. Ўсма касалликлари диспансерида ҳар бир ходимнинг тушлик ҳара-

ларни бартараф этишга қаратилган тавсиянома-лар берилди. 13 та даст-гоҳ то таъмирланмагун-ча ишлатишдан тўхта-тилди. — Баъзи ерларда хо-димларни тўлиқ ҳимоя воситалари билан таъ-минлаш суст амалга оширилмоқда, — дейди соғлиқни сақлаш ходим-лари касаба уюшма ви-лоят қўмитаси раиси Ш. Султонов. — Айниқса, Ш-хона, кирхона ва буфет-ларда ишловчи ходим-ларга иш шароити де-ярли яратиб берилма-ган, касалхоналарда ки-чик механизмлар жорий этилиши пайсалга со-линмоқда.

Ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига муносабат яхши томонга ўзгарди. Ҳар бир йиғилишлар ва «Очиқ хатлар кунини»да ҳуқуқий саводхонлик ке-чалари уюштирилади ва ходимларга амалий ёр-дам кўрсатилади. Корхо-на, муассаса ва ташки-лотларда ички меҳнат тартиб-қоидаларини ишлаб чиқилди. Жамоа шартно-масига илова қилиниши керак бўлган низомлар, қоидалар, айниқса, ёш болаларни ёки ногирон бо-ласи бор аёлларга бери-лиши кафолатланган им-тиёзлар тўлиқ расмий-лаштирилди. Бугунги кунда тизим-да меҳнат қилаётган хо-димларнинг иш, мада-ний дам олиш ва яшаш шароитларини янада ях-шилаш, уларни ҳар жи-ҳатдан ижтимоий ҳимо-лаш мақсадида қўмита томонидан яқиндан ёр-дам кўрсатилапти. Зеро, соғлом авлодни камол топтириш шифо-корлар меҳнати самара-сига кўп жиҳатдан боғ-лиқдир.

А.НАБИЕВ.



Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашариёт тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шухрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқдир.

Ислом КАРИМОВ.

## МИРЗАЧУЛ БАҲОДИРЛАРИ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ажойиб ютуқлар кўлга киритилмоқда. Жаҳон майдонларида озод Ватанимиз байроғи юксак кўтарилиб, мадҳиямиз голибона янграмоқда. Бунда албатта касабани уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятларининг ҳам ҳиссаси бор. Умуман, жисмоний тарбия ва спортнинг инсон ҳаётида тутган ўрни қай даражада, меҳнаткашларни соғломлаштиришда мазкур спорт жамиятлари қандай ишларни амалга оширмоқда? Сирдарё вилояти касабани уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раиси Воҳид Турдиев билан сўхбатимиз айнан шу хусусда.

— Мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланган киши соғлом ва бақувват бўлиши билан бирга атрофдагиларга нисбатан меҳр-оқибатли ҳам бўларкан. Сизнинг бу борадаги фикрингиз қандай.

— Спорт инсонни нафақат жисмоний етуқликка, балки маънавий камолотга ҳам етаклайди. Шу боис ҳам истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ жисмоний тарбия ва спортга мамлакат миқёсида катта эътибор қаратилди. Ушбу эътиборнинг мантикий ҳавоми сифатида жорий йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши ва ана шу шор остида амалга оширилаётган ишлар айниқса, диккатга сазовордир. Энг қувончлиси эса, бугун ёшларимизда спорт билан шуғулланишга иштиёқ кўчайди.

— Вилоят спортчилари эришяётган ютуқларда касабани уюшма жамоалари ҳиссаси сезиларли эканлиги қайд этилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган

ган ишлар хусусида тўхталсангиз.

— Жамиятимиз ўз сафида 223 та жисмоний тарбия жамоалари ва спорт клубларини бирлаштирган. Айни чоғда уларда 33291 нафар киши шуғулланмоқда. 242 нафар етуқ мураббий улар билан машғулотлар олиб бораётди. Барча шароитларга эга 11 та стадион, 18 та спорт зали, 6 та сузиш ҳавзаси, 394 та майдончалар улар ихтиёрида. Айтиш лозимки, мутахассисларимиз ва мураббийларимиз машғулотлар билан бирга жойларда тағрибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб боришяпти. Бу эса спортчиларимиз сафини кенгайтирмоқда. Масалан, ўтган йилнинг ўзида касабани уюшма спортчилари сони 2 минг нафар кишига кўпайди.

Яширишга не ҳолат, авваллари таъминотдаги узилишлар боис кўплаб малакали мураббийлар бизнинг сафимизни тарк этишганди. Етарли шарт-шароит яратиб бераётганимиз учун айни чоғда 81 нафар тажрибали йўриқчи-услугчини ўз ўринларига қайтаришга эришдик. Бу эса кўплаб ёшларни турли тўғарак-

ларга жалб этиш имкониятини яратди. Дарвоқе, бу эзгу ишлар беиз кетмаётди. Спортчиларимиз вилоятлар ўртасидаги мусобақаларда юқори ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишяпти. Кураш бўйича тўққиз, оғир атлетика йўналишида бир, армреслинг бўйича икки ва олти нафар дзюдочимиз мамлакатимиз терма жамоаси сафига қабул қилинган. Умид Аҳмедов армреслинг бўйича икки бор Жаҳон ва Осиё чемпионлигини кўлга киритган бўлса, самбочи Дилмурод Орзиев, оғир атлетикачи Али Азизов, шашкачи Алишер Ортиқовлар эса турли халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқдалар. Бу муваффақиятларда Турсунбой Азимов, Раҳмат Тўраев, Тоҳир Отабоев, Шуқур Умрзоқов каби фидойи мураббийларимиз меҳнати борлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

— Вилоят Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг бугунги аҳволи қандай?

— Вилоятдаги 11 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг 3 таси бизнинг тасарруфимизда. Уларда спортнинг 10 дан ортиқ турлари бўйича сабоқ берилади. Ўтган йили тарбияланувчилардан 3 нафари спорт устаси, 10 нафари спорт усталигига номзод бўлишга эришдилар. 300 нафар тарбияланувчиларимизнинг республика ва халқаро мусобақалардаги иштироки таъминланди. Спорт мактаблари ўртасида мунтазам мусобақалар ўтказиб турибмиз.

Масалан, шу йилнинг биринчи чораги мобайнида 5 та ана шундай беллашув ўтказилди.

— Муаммолар ҳам бўлса керак...

— Албатта, лекин вилоят касабани уюшмалари кенгаши барча муаммоларимизни ўз вақтида ҳал этишда кўма-

## СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

гини аямаяпти. Ана шундай ёрдам туфайли тасарруфимиздаги «Гулистон» ўйингоҳини таъмирлашга эришдик. Энди футбол ишқибозлари мириқиб турли мусобақалар, футбол ўйинларини томоша қилиш имкониятига эга бўлишди.

Кези келганда, айрим мулоҳазаларимни ҳам айтиб ўтсам. Бугун қишлоқ жойларида касабани уюшма кўмиталарининг спорт ишларига эътибори анча суст. Бу аксарият ҳолларда ҳўжалиқларнинг иқтисодий ночорлигига, маблағ танқислигига бориб тақалмоқда. Фикримча, соғлом авлодни тарбиялашдек савобли ишда ҳеч қандай муаммо, тўсиқ бўлмастлиги керак. Яна бир гап: мураббийларимизнинг ойлик маошлари бошқа тармоқ спорт устозларининг иш ҳақларига қараганда анча кам. Бу муаммони ўйлаб кўриш, ижобий ҳал этиш вақти келди, назаримда.

## «ГУЛИСТОН»НИНГ МУҲЛИСЛАРИ КўПАЙМОҚДА

Мухлисларни чиройли ўйин ҳамада ҳар томонлама қулайликларга эга ўйингоҳига ўзига жалб этиши мумкин. Шу маънода касабани уюшмалари тасарруфига кирувчи вилоятимизнинг бош ўйингоҳидаги аҳволга ҳавас қилиб бўлмасди. Аммо мана бир йилдирки, «Гулистон»га қайтадан кўрк бахш этилди. Ўриндиқлар сони 15 минггага етказилиб, ишқибозлар футбол учрашувларини томоша қилиб, кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратил-

ди. Айни вақтда эса ўйингоҳда сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Вилоятимиз шароити мамлакатимиз биринчилиги олий лигасида ҳимоя қилаётган «Гулистон» жамоаси яқин кунлар ичида рақибларини ўз майдонида қабул қилади.

Шу ўринда ўйингоҳимизга барча футбол мухлисларини таклиф этган бўлардим. Эеро, таъмирдан чиқарилиб барча шароитлар муҳайё этилган ўйингоҳ футболчиларимизга омад келтиришига, ишқибозларимизга эса



Хўш кайфият бахш этишига ишонаман. Анатолий ФЁДОРОВ, «Гулистон» ўйингоҳи директори.

Сирдарё вилоят касабани уюшмаларига қарашли 11 та ўйингоҳ, 18 та спорт зали, 6 та сузиш ҳавзаси ҳамда 394 та кичик майдончаларда 33291 нафар киши спорт билан шуғулланмоқда. Уларга 242 нафар тажрибали мураббий бириктирилган.

Вилоят касабани уюшмалари тизимида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ишчи-меҳнаткашлар ўртасида унинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида ўтган йили 4.440 минг сўм маблағ сарфланди.



Ўзбек курашининг довруғи доволон ошгани ҳеч кимга сир эмас. Зотан, бугун дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларида миллий курашимиз севиб ўрганилаётди, мамлакатлар, қитъалар миқёсида кураш бўйича чемпионатлар, кўплаб турнирлар муваффақият билан ўтказилаётди.

Хўш, дунёга юз тутаётган курашимиз ривожига Сирдарёда қай аҳволда? Очиғи, яқин-яқинда гап давраларда курағи ерга тегмаган кўлаб сирдарёлик полвонлар

ШОГИРЛАРИМДАН КўНГЛИМ ТўҚ

фахр ва армон билан эсланарди, холос. Вилоят курашининг айни кундаги аҳволи тўғрисида гап кетганда эса аксар ҳолларда бош эгиб қолардик. Миллий курашга бўлган эътиборнинг сусайиб кетганиги сабаб ёш полвонлар тарбияси эътибордан четда қолганди. Бу гарчи аччиқ бўлса-да ҳақиқат эди. Шукрки, эндиликда бунга барҳам берилди. Полвонларимиз бошини бир ерга қовуштириш имконияти яратилди. Айни кунларда вилоятда кўлаб кураш секциялари, тўғараклар ишлаб турибди. Уларда юзлаб ёш йигит-қизларимиз миллий кураш билан шуғулланмоқдалар.

Касабани уюшма спортчилари орасида ҳам иштидорли полвонлар анчагина. Масалан, мен ўзим 50 дан ортиқ ёшларга кураш сирларини ўргатиб келмоқдаман. Барча шарт-шароитларга эга спорт залларида шуғулланаётган шогирдларим иштидорликдан кўнглим тўқ. Ўйлайманки, ҳадемай мирзачўллик полвонлар ҳам юртимизнинг номдор полвонлари қатори нафақат республикамиз, балки жаҳон кураш майдонларида Ватанимиз шухратига шухрат кўшадилар.

Жўрабек ОЧИЛОВ, вилоят касабани уюшмалари миллий кураш федерацияси ижрочи директори.

## КАТТА ФУТБОЛГА йўЛ

Футбол — миллионлар бўйини. Ана шу энг оммавий спорт тури бўйича эса истаъодларни тарбиялаб, катта футболга етказиб бериш бизнинг зиммамизга юклатилган. Айни пайтда мактабимизда 477 нафар «чарм тўп»га ихлоси баланд ёшлар таҳсил оляптилар. Уларга 20 нафардан ортиқ тажрибали мураббийлар сабоқ беришмоқда. Бизнинг спорт даргоҳимиз билан ёнма-ён яқка кураш ҳамда спорт ўйинлари мактаблари ҳам жойлашган. Аммо, билсангиз, кўпчилик ёшлар бизнинг таълим даргоҳимизга талпинилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, мактабимизда барча шарт-шароит етарли. Машғулот ўтказиш учун «Гулистон» ўйингоҳининг катта ва кичик майдонларидан бемалол фойдаланиш имкони бор. Бундан ташқари, тез-тез вилоятимиздаги турли ёш футбол жамоалари билан учрашувлар ўтказиб турамыз. Бундай мусобақалар ёш футболчиларимиз маҳоратини оширишда катта рол ўйнашяпти.

Шунигингдек, ёш футболчиларимизнинг маънавий камолотига ҳам катта эътибор бермоқдамиз. Шу мақсадда фахрийлар, таниқли спортчилар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турамыз. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Спорт фахрийси Омон Ғуломов билан учрашув ташкил этилди. Ушбу тадбир тарбияланувчиларда катта таассурот қолдирди, деб ўйлайман. Бинобарин, спорт, хусусан, футбол бу фақат бугунимиз ёки эртаимиз эмас, балки кўлажамиз ҳамдир.

Шавкат УМИРОВ, БУСМ футбол бўлими бошлиғи.



## ВАТАН ТУЙҒУСИ КУЧ БАҒИШЛАЙДИ

Ёшлигимдан спортга ошно бўлдим. Тинимсиз машқлар, мақсад сари дадил интилиш мени юксак чўққилар сари бошлади. Бунда касабани уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳам катта ўрин тутди, десам хато қилмаган бўламан. Негаки, мени уммонлар оша юрт довуғини таратишга илк бора кузатган ҳам, илқ қутиб олиб ўз бағридан жой берган ҳам

шу даргоҳ. Тўғриси, спортнинг армреслинг тури ҳали унчалик оммалашмаган бир пайтда мусобақаларда қатнашишга тўғри келди. Бундан устига дунё мамлакатларида шербилак йигитлар анчагина экан. Улар билан баҳс бойлашиш осон кенмади. Бирок, шунга қарамадан юртимга бош эгиб қайтишни ўз йигитлик бурчимга тўғри келмаслигини ҳар дақиқа ҳис

этиб турдим. Бу туйғу менга галабага бўлган иштиёқ ва куч бағишлади. Икки бор мамлакатимиз байроғи юксак кўтарилиб жаҳон чемпиони, дея эълон қилинган лаҳзаларни эсласам ҳалиям юрагим ҳаприқиб кетади. Ахир, миллионлаб юртдошларимнинг, қолаверса, ҳар бир спортчининг йўлига илҳақ бўлиб кўз тикиб туришганди-да. Осиё чемпионатидаги зафарли юришимиз

Йилдан-йилга касабани уюшма спортчилари сони ошиб бормоқда. Масалан, биргина футбол билан шуғулланувчилар сони 8925 тага етди ёки теннис кортларига қатновчи ҳаваскорлар 180 нафарга кўпайди.

Саҳифани Н.ШАМСИЕВ ва К.ОЛЛОЁРОВ тайёрлади.

ҳам кўлаб муваффақиятлар келтирди. Бундай хўшвақт кунлар, бахтиёр онлар ҳар биримизга насиб этаверсин. Ишонч инсонга қанот бўларкан. Касабани уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг ишонч мени ҳали-ҳануз излашишга, интилишга даъват этиб турибди. Мусобақалардан бўш вақтларимда шогирдлар тарбиялашга интиляман. Ўнлаб ёшлар ижобий натижаларни кўлга қиритишмоқда. Уларнинг маҳоратини ошириб халқаро мусоба-

Умиджон АХМЕДОВ, армреслинг бўйича икки карра Жаҳон ва Осиё чемпиони, касабани уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти мураббийси.